

ХИТОЙ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Абдулхаев Абдурашид Нодир ўғли

ТДШУ мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Хитой Халқ Республикаси модернизацияси жараёнида ислоҳотларнинг тутган ўрни халқаро муносабатлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Хитойда амалга оширилган иқтисодий, институционал ва сиёсий ислоҳотларнинг миллий тараққиётни таъминлаш билан бир қаторда, мамлакатнинг халқаро иқтисодий тизимига интеграцияси, глобал бошқарув механизмларидаги иштироки ва ташқи сиёсий позицияларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, Хитойдаги ислоҳотларнинг минтақавий ҳамкорлик форматлари ва халқаро иқтисодий рақобатбардошликка таъсири таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар.** Хитой модернизацияси, ислоҳотлар сиёсати, социалистик бозор иқтисодиёти, халқаро сиёсий иқтисод, глобал интеграция, ташқи иқтисодий сиёсат, институционал ислоҳотлар, минтақавий ҳамкорлик.*

АННОТАЦИЯ

В статье с позиций международных отношений анализируется роль реформ в процессе модернизации Китайской Народной Республики. Исследуется значение экономических, институциональных и политических реформ, реализованных в Китае, не только для обеспечения национального развития, но и для интеграции страны в международную экономическую систему, расширения ее участия в механизмах глобального управления и укрепления внешнеполитических позиций. Кроме того, рассматривается влияние реформ в Китае на формирование региональных форматов сотрудничества и повышение международной экономической конкурентоспособности государства.

***Ключевые слова:** модернизация Китая, политика реформ, социалистическая рыночная экономика, международная политическая экономия, глобальная интеграция, внешнеэкономическая политика, институциональные реформы, региональное сотрудничество.*

ABSTRACT

This article analyzes the role of reforms in the process of modernization of the People's Republic of China from the perspective of international relations. It examines the significance of economic, institutional, and political reforms

implemented in China not only in ensuring national development, but also in facilitating the country's integration into the international economic system, expanding its participation in global governance mechanisms, and strengthening its foreign policy positions. In addition, the impact of China's reforms on regional cooperation frameworks and the enhancement of its international economic competitiveness is analyzed.

Keywords: *China's modernization, reform policy, socialist market economy, international political economy, global integration, foreign economic policy, institutional reforms, regional cooperation.*

КИРИШ

Модернизация тушунчаси ўз моҳиятига кўра жамиятнинг анъанавий ҳолатдан замонавий ҳолатга ўтишини англатади. Бу жараён иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларни қамраб олади. Тор маънода модернизация қишлоқ хўжалигига асосланган жамиятдан саноат жамиятига ўтишни билдиради. Кенг маънода эса модернизация орқада қолган, ривожланмаган мамлакатнинг ривожланган давлатларга етишиб олишини англатади. Умумий маънода модернизация инсоният тарихидаги катта ўзгаришларни, яъни маҳаллий цивилизациядан умумжаҳон цивилизациясига ўтиш жараёнини ифодалайди. Модернизациянинг моҳияти шундан иборатки, умумжаҳон саноат цивилизацияси қишлоқ хўжалиги цивилизациясини алмаштиради, натурал хўжаликдан бозор хўжалигига ўтиш содир бўлади.

Модернизация жараёнида Хитой сиёсий тизимида бир қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Демократиялаштириш жараёни маълум даражада ривожланди, қонун устуворлиги мустаҳкамланди, маъмурий аппарат қисқартирилди, демократик назорат тизими такомиллаштирилди, барқарорлик ва бирлик сақланди. “Давлатни қонунчилик асосида бошқариш” концепцияси аста-секин амалга оширилмоқда. Иқтисодий тизим ислоҳотини амалга ошириш билан бир қаторда сиёсий ислоҳот ўтказиш жадаллаштирилади. Бу ислоҳот демократияни ривожлантиришга, қонун-тартибни мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш ва маъмурий функцияларни ажратишга, маъмурий аппаратни қисқартиришга, демократик назорат тизимини такомиллаштиришга, барқарорлик ва бирликни сақлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни кўзда тутди¹.

Хитой модернизациясининг муҳим сиёсий жиҳатларидан бири давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги ролини сақлаб қолиши ҳисобланади.

¹China Statistical Yearbook 1998. – Beijing: China Statistics Press, 1998. – P. 55-72.

Модернизациянинг барча босқичларида давлат тартибга солиш функцияларини сақлади, бозор жараёнларини давлат назоратида сақлади. 1992 йилда эълон қилинган йирик ва ўрта давлат корхоналарини акциялаштиришда аниқ қонуний чегаралаш белгиланди. Мамлакат хавфсизлигига, муҳофаа саноатининг энг янги технологияларига, стратегик аҳамиятга эга ноёб материалларни қазиб олишга бевосита алоқадор тармоқлар, шунингдек давлат монополияси амалга ошириладиган тармоқлар акциялаштирилмаслиги белгиланди.

Энергетика, транспорт ва алоқа соҳаларида акциялаштиришга фақат умумхалқ мулкчилиги манфаатларини ифодаловчи юридик шахс қўлида акцияларнинг назорат пакетини сақлаш шарти билан рухсат берилди. Шундай қилиб, бозор хўжалигини ўрнатиш учун зарур бўлган хусусийлаштириш жараёнидан базавий ва бошқа муҳим тармоқлар, банк тизими, ташқи савдо дастлабдан чиқариб ташланди. Давлат арсеналида тўғридан-тўғри ва билвосита тартибга солиш, шунингдек соф маъмурий таъсир усуллари сақланиб қолди. Давлат назорати яратилаётган бозор инфраструктурасининг деярли барча элементларига тарқалади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хитой модернизациясининг ижтимоий жиҳатлари жуда кенг кўламли ва чуқур ўзгаришларни ўз ичига олади. Модернизация жараёнида Хитой жамиятининг ижтимоий тузилмаси, турмуш тарзи, қадриятлар тизими ва ижтимоий муносабатлар тубдан ўзгарди. Хитой учун ўзига хос ва жуда долзарб масала демографик муаммо ҳисобланади. Аҳоли ўсишини назорат қилиш масаласи нафақат нечта фарзанд кўриш ҳақидаги масала, балки аввало мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, модернизация жараёнларини амалга оширишга тааллуқли масаладир².

Эски Хитойда аҳоли такрор ишлаб чиқаришининг хусусиятлари юқори туғилиш даражаси (3,89 фоиз), юқори ўлим даражаси (2,76 фоиз) ва нисбатан паст ўсиш (1,13 фоиз) билан белгиланади. ХХР ташкил топгандан сўнг демографик жараёнларда катта силжишлар содир бўлди. Демографик жараёнларни назорат остига олишга қаратилган барча уринишларга қарамасдан, аҳоли барқарор ўсмоқда. Агар 1966 йил 1 январь ҳолатига ХХРда 725 миллион киши бўлган бўлса, 1977 йил 1 январь ҳолатига уларнинг сони 973 миллионга етди, яъни 34 фоизга ошди.

70-йилларда туғилишни чеклаш ғояси аста-секин одамлар онгига кира бошлади. 1971 йилда ҳукумат аҳоли ўсиши дастурини илгари сурди. 1973 йилда

²Гудошников Л.М. Политическая система КНР. – Москва: ИДВ РАН, 1996. – С. 34-58.

Давлат Кенгаши ҳузурида “Режали фарзанд кўриш бўйича раҳбарлик гуруҳи” тузилди. 1978 йил март ойида қабул қилинган ХХР Конституциясида қуйидаги норма пайдо бўлди: “Давлат режали фарзанд кўришни рағбатлантиради ва бу йўналишда иш олиб боради”. Фақат ХКП МК XI чақириғининг Учинчи пленумидан (1978 йил декабрь) кейин мамлакат жамоатчилиги вужудга келган демографик вазиятнинг жиддийлигини англади³.

Мамлакат аҳолисининг тахминан 80 фоизи қишлоқ жойларда яшаши Хитой жамиятини модернизациялаш жараёнида иқтисодий ислохотнинг хусусиятларини ҳал қилувчи даражада белгилади. Ислохотлар қишлоқдан бошланди. Ислохотни ўтказишнинг бундай кетма-кетлиги ягона тўғри эди. Мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш асосий мотивидан ташқари, қишлоқ хўжалигидаги ислохот нафақат туртки, балки бутун ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини ислох қилиш учун база бўлиши керак эди. Шунини таъкидлаш керакки, 1978 йилда Хитой қишлоқлари аҳолисининг 26 фоиздан ошиғи (250 миллион) камбағал эди.

XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йиллар бошидаги Хитойдаги аграр ўзгартиришларнинг моҳияти, энг аввало, ерни пудрат шартларида алоҳида деҳқон хўжаликларига беришдан иборат эди. 80-йиллар бошидан ер участкаларини деҳқон хўжаликларига бириктириш жараёни жуда динамик кечди. Хўжаликларга топшириқларни бириктириш билан бир қаторда тўла жавобгарлик ёки оилавий пудрат шакли тобора кенгроқ қўлланила бошлади. Амалда ишлаб чиқариш бригадаларининг мутлақ кўпчилигининг оилавий пудратга ўтиши 1984 йилга келиб якунланди. 1983 йилда деҳқонларнинг 94,2 фоизи оилавий пудрат шартларида хўжалик юритар эди, 1984 йилда эса 96,5 фоизга етди⁴.

Қишлоқ хўжалигидаги ўзгартиришлар иқтисодий ислохотнинг биринчи босқичининг асосий ва энг муваффақиятли қисми бўлди. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши Хитой тарихида мисли кўрилмаган суръатларда ўса бошлади. Дон экинлари йиғим-терими 1980-1985 йилларда йилига 20 миллион тоннага ошди ва 380-400 миллион тонна даражасига етди, пахта йиғими икки баробар, гўшт ишлаб чиқариш бир ярим баробар ошди. Деҳқонларнинг даромадлари икки баробар ошди. Асосан, озиқ-овқат товарлари бозорини тўйинтириш ва карточка тизимини кескин қисқартиришга эришилди.

1979-1997 йиллар давомида ўтган 20 йиллик модернизация жараёнларида эришилган ютуқларни қуйидагича умумлаштириш мумкин. Биринчидан, халқ

³ China Statistical Yearbook 1998. – Beijing: China Statistics Press, 1998. – 846 p.

⁴ Экономическая реформа в КНР: На рубеже веков / Под ред. А.В. Островского. – Москва: ИДВ РАН, 2008. – 356 с.

хўжалигининг барқарор, барқарор тез ривожланиши кўллаб-қувватланди. Мамлакатнинг умумий қудрати ошди, аҳолининг турмуш даражаси сезиларли ошди. 1979-1997 йиллар даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 9,8 фоизни ташкил қилди. 1997 йилда ЯИМ 7,477 триллион юанни ташкил қилди. Солиштирма нархларда у 1978 йилга нисбатан 5,6 баробар ошди⁵.

Хитойнинг ялпи миллий маҳсулотини тўрт баробар ошириш мақсадига муддатидан олдин эришилди. 1987 йилда ХКП XIII съездида қабул қилинган мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик дастурига мувофиқ, ялпи миллий маҳсулот 2000 йилга келиб 1980 йилга нисбатан тўрт баробар ошиши керак эди. Аммо аллақачон 1995 йилда бу вазифа бажарилди. Ҳозирги вақтда йиғма иқтисодий салоҳият бўйича Хитой жаҳонда 1991 йилдаги 10-ўриндан 7-ўринга кўтарилди, фақат АҚШ, Япония, Германия, Франция, Италия ва Англиядан кейин туради⁶.

1997 йилда дон йиғим-терими 492,5 миллион тоннага етди, бу 20 йил олдингига нисбатан 61,6 фоизга кўп. Хитойда шаҳар аҳолиси жон бошига даромад 1978 йилдаги 316 юандан 1997 йилда 5160 юангача ошди, қишлоқ аҳолиси жон бошига даромад 1978 йилдаги 133,6 юандан 1997 йилда 2090 юангача ошди⁷. Иккинчидан, социалистик бозор иқтисодиёти тизими аста-секин шаклланимуда, халқ хўжалигининг ижтимоийлашуви ва унинг бозор характери эгаллаш даражаси сезиларли ошди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, демографик омил, аҳолининг улкан сони, унинг асосий қисми (тахминан 80 фоизи) қишлоқ жойларда яшаши Хитойдаги модернизация жараёнларининг ўзига хослигига сезиларли таъсир кўрсатди. Буларнинг барчаси Хитой ўзига ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муваффақият келтирадиган янги, ўзига хос модернизация моделини тоганини тасдиқлашга асос беради. Социологик модернизация назарияси контекстида хитой модели “етишиб олувчи ривожланиш” модели, “изидан борувчи” модернизациядир, чунки унинг асосий мақсади аниқ тарихий муддатларда саноат, техника, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг у ёки бу даражасига, мутлақ ва жон бошига ишлаб чиқариш, ялпи миллий маҳсулот ҳажмига, даромад ва истеъмол ҳажмига эришиш бўлиб, уларга ривожланган мамлакатлар аллақачон эришган.

⁵ Экономическая реформа в КНР: На рубеже веков / Под ред. А.В. Островского. – Москва: ИДВ РАН, 2008. – 356 с.

⁶ Делюсин Л.П. Дэн Сяопин и реформация китайского социализма. – Москва: Муравей, 2003. – С. 89-112.

⁷ China Statistical Yearbook 1998. – Beijing: China Statistics Press, 1998. – 846 p.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Гудошников Л.М. Политическая система КНР. – Москва: ИДВ РАН, 1996. – С. 34-58.
2. Дэн Сяопин. Избранные произведения. – Пекин: Издательство литературы на иностранных языках, 1994. – Т. 3. – 418 с.
3. Делюсин Л.П. Дэн Сяопин и реформация китайского социализма. – Москва: Муравей, 2003. – С. 89-112.
4. Экономическая реформа в КНР: На рубеже веков / Под ред. А.В. Островского. – Москва: ИДВ РАН, 2008. – 356 с.
5. China Statistical Yearbook 1998. – Beijing: China Statistics Press, 1998. – P. 55-72.
6. World Bank. China 2020: Development Challenges in the New Century. – Washington: World Bank, 1997. – 132 p.